



ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ТАҲЛИЛНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАЖРИБАСИ

и.ф.н., доц. **Тожибоева Шахноза**

Тошкент давлат иқтисодий университет

ORCID: 0000-0001-5199-9086

[shahnoza tojiboyeva@mail.ru](mailto:shahnoza.tojiboyeva@mail.ru)

Аннотация. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг халқаро МҲХС стандартларига мос таҳлилни амалга ошириш жараёнлари ва масалаларига бағишланган. Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий интеграциясида мазкур стандартларнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Улардан фойдаланиш таҳлил жараёнида қўлланиладиган молиявий ҳисоботнинг шаффофлиги ва ишончлилигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини халқаро молия бозорларига интеграциясини, инвесторларни сифатли таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш имконини беради. Мақолада мазкур жараёнларни амалга оширишда Ўзбекистон тажрибаси, асосий масалалар ва амалий тадбирлар тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: халқаро интеграция, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, компаниялар, молиявий ҳисоботлар таҳлили, молиявий кўрсаткичлар, таҳлил усуллари, инвестицион қарорлар, молиявий барқарорлик.

ОПЫТ ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

к.э.н., доц. **Тожибоева Шахноза**

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. Статья посвящена процессам и проблемам внедрения анализа финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами МСФО в Республике Узбекистан. Считается важным значение этих стандартов в экономической интеграции стран мира. Их использование обеспечит прозрачность и достоверность финансовой отчетности, используемой в процессе анализа, будет способствовать интеграции экономики Республики Узбекистан в международные финансовые рынки, а также предоставит инвесторам качественную аналитическую информацию. В статье рассматриваются опыт Узбекистана, ключевые проблемы и практические меры по реализации этих процессов.

Ключевые слова: международная интеграция, международные стандарты финансовой отчетности, компании, анализ финансовой отчетности, финансовые показатели, методы анализа, инвестиционные решения, финансовая устойчивость.

EXPERIENCE OF CONDUCTING ANALYSIS BASED ON INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN UZBEKISTAN

DSc, assoc. prof. **Tojiboeva Shakhnoza**
Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article examines the processes and challenges of implementing financial statement analysis in accordance with IFRS in the Republic of Uzbekistan. The importance of these standards for the economic integration of countries worldwide is considered. Their use will ensure the transparency and reliability of financial reporting used in the analysis process, will facilitate the integration of the economy of the Republic of Uzbekistan into international financial markets, and will also provide investors with high-quality analytical information. This article examines Uzbekistan's experience, key challenges, and practical measures for implementing these processes.*

Keywords: *international integration, international financial reporting standards, companies, financial statement analysis, financial indicators, analysis methods, investment decisions, financial stability.*

Кириш.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида халқаро ҳисоб тизими тараққий эттирилишида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IFRS) муҳим ўрин тутди. МҲХСлар мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни, жумладан иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва мамлакатларда инвестицион муҳитни яхшилашда муҳим восита сифатида хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам кун сайин халқаро стандартларни эътироф этувчи мамлакатлар сони ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам МҲХСга ўтишнинг ўзига хос йўлини танлади. Мамлакатимизда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказмоқдалар. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилиши, таҳлил қилинишига тўғри келади. Чунки, ундан хорижий инвесторлар акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларини тўғридан тўғри тушунишига ва ишонч ҳосил қилиш лозимлигига эришади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек ҳисоб, аудит ва таҳлил соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш давлатимизнинг олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ҳисоб, таҳлил ва аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди. Жумладан, молиявий ҳисобот ва аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларини жорий этиш, иқтисодий самарадорлик ва молиявий соғломлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш мақсадида меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, иқтисодий тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий тадбирлар амалга оширилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Президенти, 2021; 2020; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, 2018; 2020; Иқтисодий ва молия вазирлиги, 2024). Бу эса, ўз навбатида хўжалик субъектлари инвестицион жозибadorлигини ошириш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида таҳлилини ўтказишни долзарблигини белгилаб беради. Зеро, корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни олдиндан тахминлаш, уларни истиқболли ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш бўйича самарали

бошқарув қарорларни қабул қилиш халқаро амалий тажрибалар асосида таҳлилни ташкил этишни талаб қилади. Шу билан бирга, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бизнеснинг шаффофлигини таъминлаш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда катта роль ўйнайди. Компаниялар фаолиятини молиявий таҳлил қилишнинг натижаси асосан унинг тўғри амалга оширилишига боғлиқ. Молиявий таҳлил қилиш қатор талабларга жавоб бериши лозим. Яъни, у режа ва янги методикага асосланиши ҳамда аналитик жараёни самарасини таъминлаб бериши керак. МХХС бўйича сифатли ҳисоботлар асосида таҳлилни амалга ошириш халқаро миқёсда глобал капитал бозорларига киришга интилаётган Ўзбекистон компаниялари учун муҳим ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида мазкур илмий мақола мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Адабиётлар шарҳи.

Хўжалик субъектларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида таҳлилни амалга ошириш масалалари республикамиз ва хорижий иқтисодчи олимларининг илмий ишларида кенг қўламда ўрганиб чиқилган. Мазкур мавзу бўйича хорижий таҳлилчи мутахассис Разумовскаянинг (2025) илмий мақоласида халқаро молиявий стандартларнинг молиявий таҳлилга, инвестицион қарорлари қабул қилишга таъсирини жаҳондаги турли мамлакатлар тажрибаси асосида ёритиб берилган. Хусусан тадқиқотчи томонидан халқаро стандартларга ўтиш жараёнида мавжуд бўлган муаммолар таҳлиliga, шу билан бирга ривожланиш истиқболларига асосий эътибор берилган.

Хорижий иқтисодчи олимлар Ален, Алдосери ва Мелегилар (2021) томонидан олиб борилган тадқиқотда ҳам Саудия Арабистонининг бизнес муҳитида Халқаро молиявий ҳисобот стандартларини (IFRS) жорий этишнинг бухгалтерия ҳисоботлари сифати ва инвестиция қарорларининг самарадорлигига таъсири ўрганилган. Мақолада IFRS жорий этилишининг бухгалтерия ҳисоботлари сифатига ижобий таъсири кўрсатилган, чунки у ҳам ахборотнинг сифат хусусиятлари ҳам бухгалтерия консерватизми билан ижобий боғлиқ, шу билан бирга даромадларни бошқариш билан салбий боғлиқ. IFRS шунингдек, инвестиция қарорларининг самарадорлигини оширади, чунки у ҳам даромад сифати ва ликвидлик билан ижобий боғлиқ ва капитал қиймати билан салбий боғлиқ ҳисобланади.

Иқтисодчи олима Маслова (2016) томонидан МХХС бўйича тузилган ҳисоботлар билан мамлакатда амалдаги ҳисоботларнинг фарқи, уларни корхонанинг молиявий ҳисоболлари таҳлиliga таъсири етарли даражада ўрганиб чиқилган. Унинг фикрига кўра, МХХС ҳисоботи корхонанинг молиявий ҳолати таҳлили учун асосий маълумотларни тўлиқ етказиб беради.

Мазкур мавзу бўйича Эргашева (2025) томонидан чоп қилинган илмий мақолада Ўзбекистон банк тизимида халқаро молиявий ҳисобот стандартларига ўтиш жараёнлари ва масалалари кўрсатиб берилган. Жаҳон иқтисодий интеграцияси шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу стандартларнинг жорий этилиши молиявий ҳисоботнинг шаффофлиги, таққосланувчанлиги ва ишончилигини таъминлашга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикасида МХХСга ўтиш иқтисодий ислохотларнинг муҳим қисми сифатида банкларнинг халқаро молия бозорларига интеграциялашуви ва инвесторлар ишончини оширишга ёрдам беради (2025).

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишида анализ, синтез, таққослаш, молиявий коэффицентлар усуллари қўлланилган. Хусусан, анализ ва синтез усуллари таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишда ва натижаларини умумлаштиришда қўлланилган. Таққослаш усули кўрсаткичлар даражасининг ўзгариши аниқланган, уларни тизимли баҳолаш имкони

бўлган. Молиявий коэффициентлар усулидан кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлигини ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш асосий устувор вазифа ҳисобланди. Бу борада мамлакатимизда керакли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 4611-сонли қарорига асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган корхоналар МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ва йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрламоқдалар. МХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг кўпчилик фойдаланувчилари учун афзалликлари аниқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари компаниянинг ҳақиқий ҳолатини акс эттириш учун ишлаб чиқилган - бундан ҳам хорижий, ҳам миллий инвесторлар манфаатдор. Маълумотларнинг текширилиши ва ўз самарасини бериши учун маълумотларни тўплаш тугагандан сўнг, МХХС ҳисоботларининг аудити ва таҳлили бошланади. Замонавий бозор муносабатлари рақобатнинг кучайиши, ишлаб чиқаришдаги технологик ўзгаришлар, шунингдек, янги маълумотларнинг узлуксиз оқими билан тавсифланади. Бундай шароитда МХХС бўйича ҳисобот бериш, бундай ҳисоботни ўз вақтида текшириш ва таҳлил қилиш билан бир қаторда, компаниянгиз учун уни янги инвестициялар ва бизнесни кенгайтириш билан таъминлайдиган универсал "фасад" яратишнинг энг яхши вариантыдир.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг мамлакатимизда амалдаги бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларидан асосий фарқлари нималардан иборат? Демак, МХХС кўпроқ операцияларнинг иқтисодий моҳиятини акс эттиришга ва инвестициявий қарорларни қабул қилиш учун фойдали ахборотни тақдим этишга қаратилган бўлса, миллий стандартлар эса қонунчилик ва солиқ ҳисоби талабларига риоя қилишга кўпроқ йўналтирилган.

"Молиявий ҳисоботни тақдим этиш" номли 1-сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида (IFRS -1, стандарт) "Молиявий ҳисобот – бу ташкилотдан ўзларининг муайян ахборот эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳисобот тайёрлашини талаб этиш имкониятига эга бўлмаган фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган молиявий ҳисоботдир" деб таъриф берилган.

Молиявий ҳисоботнинг муҳимлиги нимада? Молиявий ҳисобот – корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ягона оммавий ахборот манбасидир.

МХХСнинг БҲМСдан асосий фарқи нимада? МХХС бўйича ҳисобот мақсади - корхона эгалари, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Мамлакатимиз ҳисобчилари қайси ҳисоботни энг муҳим ҳисобот деб ҳисоблайдилар? Ҳисоб тизимимиз тузилишининг асосий тамойили – харажатларнинг даромадлар билан мослигини таъминлашдан иборатдир. Нима учун халқаро стандартлар?

- инвестор манфаатлари йўлида тузилган;
- инвестор учун тушунарли;
- энг яхши халқаро амалиётга мос;
- ихтиёрий компаниялар таққосланиши мумкин;
- белгиланган (стандарт) тартиб асосида текширилади.

Халқаро амалиётда 9-сонли (IFRS) "Молиявий инструментлар" молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти молиявий активлар ва мажбуриятларни ҳисобга олиш

қоидаларини, шу жумладан уларни дастлабки тан олиш, кейинги ҳисоблаш, қадрсизланиш ва тан олишни тўхтатишни белгилайди.

Бугунги кундаги долзарб савол: Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар корхона молиявий аҳволининг ҳолис тасвирини кўра олиши учун нима қилиш керак? Чунки уни шакллантириш учун турлича асослар мавжуд.

Масалан: Актив – бу ресурс, ва уни ҳисоботда тан олиш учун:

- Активга эгалик қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги мажбурийми? Ёки уни назорат қилишнинг ўзи етарлими?

Масалан: Мажбурият - бу ресурсларни бошқа шахсга топшириш бўйича мавжуд мажбурият (қарздорлик). Мажбуриятнинг аниқ қийматини билиш керакми? Ёки уни бошқача йўл билан баҳолаш имкони борми?

Ҳисоботни шакллантиришнинг турлича асослари мавжуд. Масалан, молиявий ҳисобот нима учун, ёки ким учун тузилади? Солиқ органлари учунми? Компания эгалари учунми? Бошқа фойдаланувчилар учунми? Масалан, унда қандай ахборот тақдим этилган бўлиши керак? Корхонанинг молиявий аҳволини баҳолаш учун нима муҳимроқ?

- активнинг бошланғич қийматими, ёки унинг ҳаққоний қийматими? Бундай саволларнинг кўпчилигига ҳалигача аниқ жавоб йўқ?

Бугунги кунда мамлакатимизда корхоналар амалий фаолиятида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлиги бўйича бир қанча муаммолар мавжуд. Жумладан корхоналар томонидан МҲХС бўйича тузилган эълон қилинаётган ҳисоботларнинг аксарият қисми тақдим этиш шакли ва мазмуни бўйича халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқ келмайди. Бу эса қуйидагиларга салбий таъсир кўрсатади:

- инвесторлар етарли даражада тўлиқ бўлмаган ахборотлар асосида қарор қабул қиладилар;

-фаолиятларига халқаро молиявий маблағларни жалб қиладиган компаниялар;

-мамлакатимиз иқтисодиётига зарур ҳисобланган шаффоф молиявий маълумотларга.

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан давлат иштирокидаги корхоналарда МҲХСни жорий этишни ташкил этиш мақсадида Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси билан биргаликда “Давлат улуши бўлган корхоналарда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси” намунаси ишлаб чиқилган ва МҲХСни жорий этишда фойдаланиш учун корхоналарга етказилган. Бу эса ўз навбатида корхоналарда МҲХС ҳисоботи асосида таҳлил ўтказиш амалиётини жорий қилинишини тақозо этади.

МҲХС асосида таҳлил ўтказиш таҳлилий маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги билан амалий аҳамият касб этади. Лекин корхоналарни амалдаги қонун ҳужжатларида, шу жумладан солиқларда, инфляция жараёнларида, капитални ўзлаштириш, айланма маблағларни айланиши, шунингдек молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш услубияти ва усулларида фарқланишлар мавжуд. Шу боисдан бугунги кунда Ўзбекистон корхоналари молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, шунингдек, корхоналарни молиявий ҳолатини тавсифловчи асосли таҳлилий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш лозим.

Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳисоботларини профессионал таҳлил қилишда муҳим мезонларга амал қилинмоқда. Жамоат ташкилоти ҳисобланаган Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси (АСФП) томонидан молиявий ҳисобот сифатини ошириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Мазкур лойиҳалар доирасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)

бўйича тузилган Ўзбекистоннинг етакчи компаниялари молиявий ҳисоботларининг профессионал таҳлилий шарҳларини мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

Мамлакатимизда мутахассислар томонидан МҲХС ҳисоботини қуйидаги мезонлар бўйича комплекс баҳолашни амалга оширадилар:

-ҳисоботларни тақдим этишнинг тўлиқлиги. МҲХС талабларига асосан молиявий ҳисоботнинг барча мажбурий таркибий қисмлари мавжудлигини кўриб чиқиш:

- молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот;
- фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот;
- жами даромад тўғрисида ҳисобот;
- капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисобот;
- пул оқимлари тўғрисида ҳисобот;
- молиявий ҳисоботга изоҳлар.

Бу борада Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 8 октябрдаги "Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 181-сонли буйруғини (Адлия Вазирлиги томонидан 2024 йил 4 ноябрда 3567-сон билан рўйхатга олинган) қабул қилинди. Мазкур Низом бухгалтерия ҳисоби субъектлари (бюджет ва суғурта ташкилотлари, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари бундан мустасно) томонидан БҲМС ва МҲХС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари, уларнинг таркиби ва мазмуни белгилайди. Молиявий ҳисоботларнинг мазмуни ва таркиби БҲМС ҳамда МҲХСга асосан тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг шаклларида белгиланади.

Мазкур низом асосида МҲХСга асосан тузилган йиллик молиявий ҳисобот шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
- фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;
- хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
- пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (билвосита усул);
- аҳамиятли ҳисоб сиёсати ва бошқа тушунтириш маълумотларидан иборат изоҳлар (молиявий ҳисоботга изоҳлар).

Молиявий ҳисоботни МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги 61-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3400, 2022 йил 9 декабрь) билан тасдиқланган МҲХСлар ва унга тушунтиришлар матнлари асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлайди ва БҲМС бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этмайди. Молиявий ҳисоботни МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган ташкилотлар мазкур Низом билан тақдим қилиниши белгиланган молиявий ҳисоботлардан ташқари эълон қиладиган молиявий ҳисоботлар шакллари, уларни тақдим этиш тартиби ва усуллари ҳисоб сиёсати билан белгилаши мумкин.

-молиявий натижалар динамикаси. Муҳим трендлар ва омилларни аниқлаган ҳолда даромадлар ва харажатларнинг асосий турлари кесимида молиявий кўрсаткичларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш;

-молиявий коэффициентлар. Ликвидлик, тўлов қобилияти, рентабеллик ва операцион самарадорликни тавсифловчи асосий молиявий коэффициентларни ҳисоб-китоб қилиш ва талқин қилиш;


-баланс таркибидаги ўзгаришлар. Активлар ва мажбуриятларнинг асосий моддалари динамикасини таҳлил қилиш, муҳим ўзгаришлар ва уларнинг сабабларини аниқлаш;

-молиявий хатарларни бошқариш. Хатарларни бошқариш тизими ва уларни минималлаштириш чоралари тўғрисидаги ахборотнинг очиқ берилишини баҳолаш.

МХХС ҳисоботи маълумотлари бўйича банк хатарларини бошқариш сифатини қандай баҳолаш мумкин? Демак, хатарларни бошқариш сифатини хатарлар тўғрисидаги ахборотни тўлиқ очиб бериш, лимитлар тизимининг мавжудлиги, капиталнинг етарлилик меъёрларига мувофиқлиги ва стресс-тест натижаларини таҳлил қилиш орқали баҳолаш мумкин.

МХХС ҳисоботи юқори шаффоф ҳисоблаган, инвесторлар томонидан ижобий қабул қилинадиган рентабеллик ва ликвидлилик каби асосий молиявий кўрсаткичларни яхшиланишига таъсир қилади. Тижорат банклари корхоналарга кредит бериш жараёнида албатта мазкур кўрсаткичларни баҳолашлари муҳим ҳисобланади (Тоҗибоева, 2024). Мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатларда МХХС ҳисоботлари асосида самарадорлик, айланувчанлик, молиявий барқарорлик, тўлов лаёқати ва бошқа муҳим кўрсаткичларни таҳлили қилиш амалиёти ҳам берилган. Тадқиқотлар кўрсатишича, МХХС ҳисоботи мазкур молиявий кўрсаткичларни яхшиланишига таъсир кўрсатади.

МХХС ҳисоботини тузишга ўтилгандан кейин компанияни ликвидлилик кўрсаткичларига таъсирини қуйидаги 1-расмда кўришимиз мумкин.



1-расм. МХХС ҳисоботига ўтилишини компания ликвидлик даражасига таъсири

Манба: молиявий ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

Ҳозирги шароитда корхонанинг тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш унинг молиявий ҳолати барқарорлигини баҳолашда муҳим ўрин эгаллайди. Корхона тўлов қобилиятини таҳлил этиш молиявий таҳлилнинг энг асосий босқичларидан бири бўлиб, унинг ўз вақтида зарур бўлган қарзларни қайтариш имкониятларини белгилайди. Демак, тўловга лаёқатлилик деганда қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш учун ликвид активларни етарлилик даражасини аниқлаш тушунилади. Тўловга қодирлик молиявий барқарорликнинг ташқи кўринишидир (Вахрушина, 2022). Мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва халқаро амалиёт бўйича тўлов лаёқатини (ликвидлилик) ҳисоблаш ҳисоб-китобини қуйидаги 1-жадвалда кўриш мумкин.

Мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва МХХС бўйича молиявий таҳлил ўтказишда тўлов лаёқатини ифодаловчи коэффициентлар қуйидагича ҳисобланади:

1. Мутлақ (абсолют) тўлов лаёқати коэффиценти(миллий) корхонанинг ликвидлик даражасини белгилашнинг энг қатъий мезони ҳисобланиб, қисқа муддатли қарз мажбуриятларининг қанча миқдори дарҳол сўндирилиши мумкинлигини

кўрсатади. Бу кўрсаткич учун тавсиявий пастки чегара - 0,2, яъни Кал > 0,2 бўлганда шарт бажарилади. Аниқланиши: Пул маблағлари/Жорий мажбуриятлар.

2.Тез тўлов лаёқати коэффиценти (халқаро) айланма активлардан заҳираларни олиб ташлагандан кейин компанияда мажбуриятларни узиш учун ликвид ресурсларни (ДҚ ва ПМ) етарлилик даражасини кўрсатади. Бу биринчи навбатда мазкур корхонага маҳсулот етказиб берувчилар учун аҳамиятли ҳисобланади. Кўрсаткични нормадаги даражаси 1/1 нисбатда туради. Бу коэффицентни ҳисоблаётганда бизнес характери ҳам ҳисобга олинади (супермаркетлар учун у жуда паст бўлади). Аниқланиши: Жорий активлар-товар-моддий заҳиралар/ Жорий мажбуриятлар.

1-жадвал

Тўловга лаёқатлик коэффицентларини мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва халқаро амалиётдаги услубий жиҳатлари

Мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатларда берилган тўлов лаёқати коэффицентлари	Халқаро амалиётда берилган тўлов лаёқати коэффицентлари
Жорий тўлов лаёқати (қоплаш, тўлов лаёқати коэффиценти) (207,775 ва 1013- қарорлар низоми). Аниқланиши: Жорий активлар/Жорий мажбуриятлар	Жорий тўлов лаёқати коэффиценти (current ratio). Аниқланиши: Жорий активлар/Жорий мажбуриятлар
Мутлақ (абсолют) тўлов лаёқати коэффиценти (207, 775-қарорлар низоми). Аниқланиши: Пул маблағлари/Жорий мажбуриятлар	Тез тўлов лаёқати коэффиценти (quick ratio). Аниқланиши: Жорий активлар-Товар-моддий заҳиралар/ Жорий мажбуриятлар

Манба: меъёрий ҳужжатлар асосида тузилди.

3.Жорий тўлов лаёқати коэффиценти (миллий ва халқаро) жорий мажбуриятлар айланма маблағлар билан қай даражада таъминланишига кўра, яъни айланма активларга қўйилган молиявий ресурсларнинг неча сўми жорий мажбуриятлар бир сўмига тўғри келишини тавсифлаб, корхонанинг тўловга лаёқатлилигига умумий баҳо беради. Бу кўрсаткичнинг ўсиши ижобий деб қаралади. Аммо бу кўрсаткичнинг жиддий ўсиши номақбул бўлиб, ишлаб чиқариш заҳираларига жойланган маблағлар айланивчанлиги сусайганидан, дебиторлик қарзларининг асоссиз кўпайишидан далолат беради. Ликвидлилик коэффиценти бизнесни ликвидлилик ва тўловга қобиллик даражасини компанияни айланма капиталини бошқаришини самарадорлик даражасини кўрсатади. Белгиланган муддатди компанияни ўз қарзларини узиш қобилиятини кўрсатади. Аниқланиши: Жорий активлар/Жорий мажбуриятлар.

Мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатлар бўйича агар ушбу коэффицентнинг аҳамияти 1,25 дан кам бўлса, у ҳолда корхона учун молиявий хавф-хатар туғилади. Чунки бу салбий ҳолат ҳисобланиб, бир сўмлик қисқа муддатли қарзларга бир сўмдан кам жорий активлар тўғри келади дегани. Ушбу коэффицентнинг аҳамияти меъёрдан кўп бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, зеро менежмент нуқтаи назаридан активларни бошқариш борасидаги ўқувсизликдан далолат беради. Активларни керагидан кўп жамланиши улардан самарали фойдаланишга олиб келмайди. Лекин жорий ликвидлик коэффицентини аҳамияти меъёрдан кўп бўлиши кредиторларни корхонага сармоя қўйишга кўпроқ жалб этади (Tojiboyeva, 2021).

Жорий тўлов лаёқати коэффицентини юқори бўлиши яхши ҳисобланади, лекин у қуйидаги салбий ҳолатлар натижаси бўлиши мумкин:

-катта ҳажмдаги заҳира ва дебиторлик қарзларини мавжудлигини (ноликвид заҳиралар ёки паст кредит назорати);

-пул маблағлари даражаси юқори болса(масалан, айланмадан ташқари активларга инвестиция қилиш мумкин.

Халқаро амалиётда кредитга қобилиятлиликини ушлаб туриш учун унинг даражаси кўпгина компаниялар учун анъанавий тарзда 2/1 нисбат ҳисобланади. Тармоқларда ва компанияларда бу коэффициент турлича бўлиши мумкин. Масалан супермаркетда ликвидлилики паст ҳисобланади. Чунки:

-уларда дебитор қарзлар кам, кредитор қарзлар даражаси юқори, улар ҳар доим янги филиаллар очишга пул маблағларини қаттиқ назоратини ушлаб турадилар.

Энди акциядорлик компанияси амалий маълумотларидан фойдаланиб, ушбу коэффициентларни таҳлил қилиб чиқамиз. Таҳлил учун 2-жадвални ҳавола қиламиз.

2-жадвал

Акциядорлик компанияси тўлов лаёқати коэффициентларини таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йил боши	Ҳисобот йил охири	Йил охирида йил бошига нисбатан фарқи (+,-)
1.Пул маблағлари, м.с.	1505831.00	2357976.00	3 804 709,13	+1446733,13
2.Соф дебиторлик қарзлари, м.с.	75057686.00	114736584.00	136 442 933,25	+21706349,25
3.Қисқа муддатли молиявий кўйилмалар, м.с.	1438000.00	1438000.00	882 000,00	-556000
4.Товар-моддий захиралар, м.с.	112024988.00	47825055.00	39 599 343,36	-8225711,64
5.Жорий активлар жами, м.с.	190252993.00	166424802.00	181 728857,90	+15304055,9
6.Жорий мажбуриятлар, м.с.	79176608.00	67015927.00	111 040168,41	+44024241,41
7.Тез тўлов лаёқати коэффициенти, коэф. 5-4/6	1,2	1,8	1,3	-0,5
8.Жорий тўлов (қоплов) лаёқати коэффициенти, коэф. 5/6	2,4	2,5	1,6	-0,9
9.Мутлоқ (абсолют) тўлов лаёқати коэффициенти, коэф. 1/6	0,02	0,04	0,03	-0,01

Манба: акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

2-жадвал маълумотлардан кўринишича акциядорлик компаниясида жорий активлар ўртача йиллик қиймати таҳлил йилларида ошган. Жорий активларнинг ўртача йиллик қиймати ҳисобот йил бошида 166424802.00 минг сўмни ташкил қилиб, ҳисобот йили охирида 15304055,9 минг сўмга кўпайган. Жорий мажбуриятлар эса компанияда йил бошида 67015927.00 минг сўм, йил охирида эса 111040168,41 минг сўмни ташкил қилиб, 44024241,41 минг сўмга ошган.

Компанияда таҳлил йилларида тез тўлов лаёқати коэффициентида ўсиш-камайиш тенденциясини кўришимиз мумкин. Масалан, ўтган йилдаа 1,2 ни, ҳисобот йили бошида 1,8 ни, йил охирида эса 1,3 бандни ташкил қилган бўлиб, йил охирига нисбатан 0,5 бандга камайган. Халқаро молиявий таҳлил амалиётида мазкур

коэффициентни меъёри 1/1 нисбатда бўлиши тавсия қилинган. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, компанияда мазкур коэффициент даражаси меъёр доирасида бўлган.

3-жадвал

МҲХС ҳисоботи асосида рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш

№	Кўрсаткич	Аниқланиш формуласи ва мазмани
1.	Акциядор инвестицияси рентабеллиги (TSR — Total Shareholders Return)	Акциянинг давр охиридаги баҳоси - акцияни давр бошидаги баҳоси + давр давомида тўланган дивидендлар/ акцияни давр бошидаги баҳоси. Аниқланиши: ички бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан олинади. Меъёр мавжуд эмас. Акциядорларнинг умумий даромади. Бу кўрсаткич биржа котировкаларининг ўзгариши ва дивидендлар ҳисобланиши натижасида акциядорларнинг даромадлилик даражасини ифодалайди. Меъёрий ҳужжатда ифодаланиши: ЎЗР ВМнинг 775 –сонли қарори.
2.	Жалб қилинган капитал рентабеллиги (ROCE — Return on Capital Employed)	Соф фойда/Давр боши ва охиридаги жалб қилинган капитал . Аниқланиши: МҲХС фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг 270-сатри /бухгалтерия баланси ҳисобот шаклининг 480+570+580 сатрлари). Меъёр мавжуд эмас. Ташкилотнинг тижорат фаолиятига жалб қилинган ўз капитали ва жалб қилинган узоқ муддатли маблағлар (узоқ муддатли кредитлар, қарзлар) даромадининг кўрсаткичи. Меъёрий ҳужжатда ифодаланиши: ЎЗР ВМнинг 775 –сонли қарори.
3.	Акциядор капитали рентабеллиги (ROE— Return On Equity)	Соф фойда /Акциядор капиталининг ўртача йиллик қиймати. Аниқланиши: молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг 270-сатри / бухгалтерия баланси ҳисобот шаклининг 410 сатри. Меъёр мавжуд эмас. Кредит бўйича фоизлар чегириб ташланганидан кейин ҳисобланган бизнеснинг эгалари учун рентабеллигини тавсифлайди (яъни, соф фойда ва ROA каби кўрсаткичлардан фарқли жиҳати кредит бўйича фоизлар миқдорида мослаштирилмайди). Меъёрий ҳужжатда ифодаланиши: ЎЗР ВМнинг 775 –сонли қарори.
4.	Жами активларнинг рентабеллиги (ROA- Return On Assets)	Солиқ тўлагунга қадар фойда х 100/ Жами активларнинг ўртача қиймати. Аниқланиши: молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг 240- сатри/ бухгалтерия баланси ҳисобот шаклининг 400–сатри. Агар ҳисобот даврида рентабеллик коэффициентлари нолдан паст (манфий кўрсаткич)га эга бўлса, у ҳолда корхона зарар кўриб ишлаётган, 0,05 дан паст бўлса корхона паст рентабелли ҳисобланади (монопол корхоналардан ташқари). Ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади. Меъёрий ҳужжатда ифодаланиши: ЎЗР ВМнинг 775 ва 1013–сонли қарорлари.
5.	Харажатлар рентабеллиги (ROC- Return On Cost)	Солиқ тўлагунга қадар фойда х 100/ жами харажатлар. Аниқланиши: молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг 240- сатри /_молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг 020+040+170+230- сатрлари. Агар ҳисобот даврида рентабеллик коэффициентлари нолдан паст қиймат (минус кўрсаткич)га эга бўлса, у ҳолда корхона зарар кўриб ишлаётган, 0,05 дан паст бўлса корхона паст рентабелли ҳисобланади (монопол корхоналардан ташқари). Ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади. Меъёрий ҳужжатда ифодаланиши: ЎЗР ВМнинг 1013 –сонли қарори.

Манба: меъёрий ҳужжатлар асосида тузилди.

Жорий тўлов коэффициентининг даражаси кўп жиҳатдан захираларни ташкил этиш манбалари узоқ муддатли мажбурият ва корхонанинг ўз капиталига боғлиқ. Унинг

даражасини ошириш учун ўз капиталини манбалар билан тўлдириш, активлар ва дебиторлик қарзлар ўсишини турғун ҳолда сақлашдан иборат. Жорий тўлов лаёқати коэффицентини нормаси мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатларда 1,25 дан юқори бўлиши кўрсатилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур коэффицент таҳлил йилларида меъёр доирасида бўлган. Йил бошида жорий тўлов лаёқати коэффицентни 2,5 бандни, охирида эса 1,6 коэффицентни ташкил қилган ҳолда 0,9 бандга камайган.

Халқаро молиявий таҳлил амалётида жорий тўлов лаёқати коэффицентини даражаси кўпгина компаниялар учун анъанавий тарзда 2/1 нисбатда бўлиши кўрсатилган. Мазкур коэффицент ўтган йилда ва ҳисобот йили бошида меъёр доирасида бўлган бўлса, ҳисобот йил охирига келиб меъёрдан паст ҳисобланади. Хусусан, компанияда ҳисобот йили бошида ҳар сўмлик жорий мажбуриятларга 2,5 сўм жорий активлар тўғри келган бўлса, йил охирига келиб 1,6 сўмлик жорий активлар тўғри келмоқда. Бу эса жорий тўлов лаёқати пасайганлигини кўрсатади. Демак, компания бошқаруви тўловга қобиллик даражасини ошириш бўйича керакли тадбирларни амалга ошириши керак бўлади.

Мутлоқ тўлов лаёқати (ликвидлик) коэффицентини ҳисоблаш мамлакатимизда амалдаги меъёрий ҳужжатларда (207 ва 775-қарорлар) тавсия қилинган. Мазкур коэффицентнинг тавсия қилинган қуйи чегараси – 0,2 дан иборат. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мутлоқ тўлов лаёқати коэффицентни таҳлил йиллари давомида меъёр даражасидан паст бўлган. Масалан ўтган йилда 0,02, ҳисобот йил бошида 0,04 ва йил охирида 0,03 коэффицентни ташкил қилган. Бу эса компания ликвидлигининг энг муҳим қуйи меъзони меъёрдан паст эканлигини кўрсатиб турибди. Шу тариқа ҳисоблаб чиқарилган тўлов лаёқати кўрсаткичлари корхонанинг турли даврларидаги балансларини, шунингдек, молиявий ҳолатни баҳолаш мақсадида турли корхонанинг балансини таққослаш имконини беради. Тўлов лаёқати кўрсаткичлари белгиланган меъёрлардан паст бўлган ва ёмонлашиб бораётган корхоналар тўловга лаёқатсиз деб топилиши мумкин.

Мамлакатимизда кейинги йилларда корхоналарда халқаро амалий тажриба асосида молиявий таҳлилни ўтказиш бўйича бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди (Қарор, 2020). Уларда берилган таҳлилий кўрсаткичлар асосан халқаро амалиёт бўйича баҳоланади. Бугунги кунда мамлакатимизда МХХС ҳисоботи асосида амалдаги меъёрий ҳужжатларда қуйидаги рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш тавсия қилинмоқда (3-жадвал).

Энди молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича тузилган ҳисоботлар асосида рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузамиз (4-жадвал).

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, акциядорлик компаниясида жалб қилинган капитал рентабеллиги ўтган йилдаги 2,11 фоиздан ҳисобот йили бошига келиб 14,84 фоизга кўтарилган. Йил охирига келиб 4,21 фоизни ташкил қилган ҳолда йил бошига нисбатан 10,21 фоизга камайган. Мазкур пасайиш тенденциясига компанияда солиқ тўлагунга қадар фойда ва жалб қилинган капитал қийматининг камайиши таъсир кўрсатган.

Компанияда таҳлил йилларида акциядор капитали рентабеллик коэффицентиди ҳам ўсиш-камайиш тенденциясини кўришимиз мумкин. Жумладан ўтган йилда акциядор капитали рентабеллик даражаси 26,21 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йили бошига келиб 43,96 фоиздан иборат бўлган. Ҳисобот йил охирида эса мазкур коэффицент сезиларли даражада камайган бўлиб, 10,94 фоиздан иборат бўлган ва ҳисобот йил бошига нисбатан 33,02 фоизга камайган. Ўтган йилда жами активлар рентабеллиги 21,18 фоизни (0,2 коэффицент), ҳисобот йил бошида 11,28 фоиз (0,1 коэффицент), ҳисобот йил охирида эса 2,88 фоизни ташкил қилди.

Коэффициентда ҳисобланса 0,03 бандни ташкил қилди. Бу эса унинг даражасини меъёрдан паст эканлигини кўрсатиб турибди. Агар коэффициент меъёри 0,05 дан паст бўлса компания паст рентабелли ҳисобланади (монополь корхоналардан ташқари).

4-жадвал

Акциядорлик компанияси рентабеллик кўрсаткичлари даражасини таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йил боши	Ҳисобот йил охири	Йил охирида йил бошига нисбатан фарқи (+,-)
1.	Маҳсулотлар сотишдан олинган соф тушум	316564381	402132072	218 718590	-183413481
2.	Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннари	281036379	378269210	199 374577	-178894632
3.	Давр харажатлари	44595746	44708908	44 142 136	-566771
4.	Молиявий фаолият харажатлари	10985055	8740208	11 504 263	+2764055
5.	Солиқ тўлагунига қадар фойда	57416638	37943859	9 443 664	-28500194
6.	Жами активлар ўртача йиллик қиймати	271066091	336306561,5	328028202,415	-8278359,085
7.	Жалб қилинган капитал	2721702582	255718006	2242823034	-31435702
8.	Акциядор капиталининг ўртача йиллик қиймати	219094395	86309600,00	86309600,00	-
9.	Жалб қилинган капитал рентабеллиги коэффициенти (5 x 100/7), %	2,11	14,84	4,21	-10,63
10.	Акциядор капитали рентабеллиги коэффициенти (5 x 100/8), %	26,21	43,96	10,94	-33,02
11.	Жами активлар рентабеллиги коэффициенти (5 x 100/6), %	21,18	11,28	2,88	-8,4
12.	Харажатлар рентабеллиги коэффициенти (5 x 100/ 2+3+4), %	17,06	8,79	3,70	-5,09

Манба: акциядорлик компанияси молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

Компанияда жами активлар рентабеллик даражаси ҳисобот йил охирида йил бошига нисбатан 8,4 фоизга камайган. Мазкур ҳолат компанияда жами активларнинг ўртача йиллик қиймати ва солиқ тўлагунига қадар фойда ҳажмини камайганлиги билан изоҳланади. Компанияда харажатлар рентабеллиги коэффициенти ўтган йилда 17,06 фоизни (0,2 коэффициент), йил бошида эса 8,79 фоизни (0,09 коэффициент) ташкил қилиб меъёр даражасида бўлган. Йил охирида эса харажатлар рентабеллик даражаси

коэффициенти 3,70 фоизни ташкил қилган. Коэффициентда 0,04 бандни ташкил қилиб, меъёрдан паст бўлган. Харажатлар рентабеллик коэффициенти 0,05 дан паст чиқса, корхона паст рентабелли (монопол корхоналардан ташқари), нолдан паст (манфий кўрсаткич) чиқса эса корхона зарар кўриб ишлаётган ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) - бу дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларидаги компаниялар томонидан қўлланиладиган ҳисоб стандартлари тўплами ҳисобланади. МҲҲСни турли давлатларда жорий қилинишини ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларга иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий ва сиёсий факторлар таъсир кўрсатади. МҲҲС ҳисоботи ва таҳлил натижаларининг асосий вазифаси - бу ишлаб чиқариш капиталини бошқариш самарадорлигини асослаш, қисқа ва узоқ муддатли истиқболда муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш йўллари аниқлаш иборат ҳисобланади. Мамлакатимизда МҲҲС ҳисоботи асосида молиявий таҳлил ўтказиш инвесторлар ва бошқа манфаатдор томонларга компанияларининг молиявий ҳисоботларини солиштиришни осонлаштиради. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали мамлакатимизда хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бирга глобал иқтисодиётга интеграциялашиш жараёнида муҳим қадам ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётга МҲҲС ҳисоботларини таъсири ижобий натижаларни беради:

- бухгалтерия ҳисоби тизими сифати яхшиланади; МҲҲС ҳисоботининг аудиторлик текшируви сифати яхшиланади;
- МҲҲС ҳисоботи асосида таҳлилий кўрсаткичларни баҳолаш амалиёти такомиллашади;
- компаниялар замонавий ахборот технологиялари ва тизимларига инвестициялар киритишлари ҳисобига МҲҲС асосида молиявий ҳисобот маълумотларини самарали қайта ишлаш имконини бўлади. Бу эса молиявий таҳлил маълумотларини тўплаш жараёнини яхшилади;
- Ўзбекистон Республикасида тан олинган МҲҲС талабларига асосан молиявий таҳлилнинг очиқ берилмаган самарали тамойиллари аниқланади;
- компанияларни молиявий ҳолатига аниқ ва ишончли баҳо бериш учун қўшимча таҳлилий инструментлар ишлаб чиқилади. Булар эса турли ҳисобот ҳужжатларини таққослама таҳлиliga ва молиявий ҳолатни ифодаловчи коэффициентлар таҳлиliga асосланади;
- бизнесни молиявий бошқариш сифатини яхшиланади;
- мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини ошади;
- Ўзбекистон компанияларини халқаро капитал бозорида рақобатбардошлиги ошади;
- мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш учун асос яратилади.

Шу билан бирга Европа молиявий таҳлилчилар федерацияси томонидан тасдиқланган молиявий таҳлил моделини республикаимиздаги компанияларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда, қисқа муддатли мажбуриятлар ва жорий харажатларни, шу жумладан иш ҳақини қоплаш учун зарур бўлган ўз айланма маблағларининг етарлилиги таҳлиliga қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида МҲҲС ҳисоботи асосида ўтказилган таҳлил натижалари сифатини яхшиланишига хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда МҲҲСга ўтиш адаптация жараёнида, миллий ва халқаро қонунчилик билан боғлиқ масалалар мавжуд бўлиб, улар кейинги босқичларда ўз ечимини топади деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар /Literatura/References:

Malo-Alaina, A., Aldoserib, M.M. and Melegys, M.A.H. (2021). Measuring the effect of international financial reporting standards on quality of accounting performance and efficiency of investment decisions. *Accounting*, 7, pp. 249–256.

Tojiboyeva, Sh.A. (2021). *Moliyaviy tahlil-2. O'zbekiston: Innovatsion rivojlanish.*

Tojiboyeva, Sh.A. (2024). *Moliyaviy-iqtisodiy ma'lumotlarning tahlili. O'zbekiston: Innovatsion rivojlanish.*

Вахрушина, М.А. (2022). *Анализ финансовой отчетности. Россия: ИНФРА-М.*

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (2024). “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 181-сонли буйруқ, 8 октябрь (Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 4 ноябрда 3567-сон билан рўйхатга олинган).

Маслова, Ю.Н. (2016). Влияние отличий МСФО и РСБУ на анализ финансовой отчетности организации. *Journal of Economics, Entrepreneurship and Law*, 6(1), pp. 26–35.

Разумовская, В.В. (2025). Влияние международных стандартов финансовой отчетности на финансовый анализ: опыт разных стран. *Теория и практика современной науки*, 2(116), p. 62.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (2018). “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1013-сон қарори, 14 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (2020). “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сон қарори, 9 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2020). “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори, 24 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2021). “Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-72-сон қарори, 30 декабрь.

Эргашева, Ф. (2025). Ўзбекистон банк тизимида халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (МХХС) ўтишнинг жараёнлари ва масалалари. *Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил журнали*, 3(5), pp. 71–76.